O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

O'ZBEKISTON QUROLLI KUCHLARI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2005** йил, **17** февраль, пайшанба № **21** (2065).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Четверг, **17** февраля, **2005** год, № **21** (2065).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда

В розницу – цена свободная

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Димитрий Рупелни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу учрашув Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларига ҳамда мамлакатимизнинг Словения билан ҳамкорлигига доир долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун қулай имконият эканлигини таъкидлади.

–Ташрифингиз ЕХҲТда Ўзбекистонга бўлган эътиборнинг бир белгисидир. Айни вақтда сизни Словения ташқи ишлар вазири сифатида кутиб олишдан ҳам мамнунмиз, – деди Ислом Каримов.

Ўзбекистоннинг мазкур ташкилот билан муносабатлари кўп қирралидир. Сўнгги вақтда ЕХҲТ чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, курол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, 2003-2004 йилларда ўзаро ҳамкорликда чегара ва божхона хизматлари учун семинарлар ўтказилди.

Иқтисодий ва экологик ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аёллар ва ўсмирларда ишбилармонликни шакллантириш, сайёҳликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар, «Маҳалла ва атроф-муҳит муҳофазаси» дастури амалга оширилмоқда.

Д.Рупель жорий йил бошида ташкилотга раҳбарликни қабул қилиб олар экан, Марказий Осиё минтақаси ЕХҲТнинг диққат марказида бўлиши, бунда миграция жараёнларини назорат қилиш, ҳуқуқий таълимни ривожлантириш, шахс хавфсизлигини мустаҳкамлаш, хавфсизлик соҳасида минтақавий ҳамкорликни такомиллаштириш каби масалалар устувор саналишини таъкидлаган эди.

Меҳмон самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ЕХҲТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириб боришдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

Музокарада ЕХҲТни ислоҳ қилиш, Ўзбекистон билан ушбу ташкилот ўртасида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт ва экология соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз билан Словения ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

## САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Димитрий Рупель раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Олий Мажлиснинг қуйи палатаси ва ЕХҲТ парламент ассамблеяси ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. ЕХҲТ раиси мамлакатимизда қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди. Хусусан, икки палатали парламент тизимининг шакллантирилгани бу йўналишдаги муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлади.

* * *

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда Д.Рупелга ҳамроҳ бўлиб келган словениялик ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ортиб бораётган бўлса-да, уни имкониятлар даражасида деб бўлмайди. Юртимизда Словения сармояси иштирокида ташкил этилган «Интернок» қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётир. Тошкентда мазкур мамлакатнинг «ЛЕК» фармацевтика компанияси ҳамда «КРКА» фармацевтика заводининг ваколатхоналари очилган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ривожидан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади.

Музокара жараёнида меҳмонлар Ўзбекистоннинг саноати ва иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишдилар. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни Словенияга экспорт қилиш юзасидан фикр алмашилди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,**
**Акмал НАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

«Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади». Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида айтилган бу фикрлар ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим дастуриламалдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтган анжуман давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга доир доимий илмий-амалий семинарлар ташкил этишга бағишланди.

Академия ректори Қ.Назаров бошқарган мазкур тадбирда Президентимиз маърузасида баён этилган «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепцияси»нинг асосий вазифаларини ҳаётга кенг тадбиқ этиш мақсадида доимий семинарлар ташкил этишга келишиб олинди.

**Фарҳод УСМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**



Биз ҳеч кимдан
кам эмасмиз,
ҳеч кимдан
кам бўлмаймиз ҳам!

***Абдулла ОРИПОВ:***

## ЭЛ-ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ

**Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси жойларда чуқур ўқиб-ўрганилмоқда. Маърузада қўйилган вазифалар муҳокама қилиниб, уларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.**

**Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Сенат аъзоси Абудулла ОРИПОВ ЎзА мухбири билан мулоқотда бу борада қуйидагиларни сўзлаб берди:**



— Давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида халқимиз истиқлол йилларида ҳаётбахш ислоҳотларимизнинг муайян босқичларида эришган ютуқларга якун ясалиб, яқин келажакда амалга ошириладиган асосий вазифалар белгилаб берилди. Эришган ютуқларимизнинг ҳам, амалга оширишни ният қилиб турган хайрли ишларимизнинг ҳам кўлами беҳад кенг, аҳамияти жуда катта, моҳияти эса ниҳоятда теран. Қайси соҳани олманг, хоҳ иқтисодий-ижтимоий, хоҳ маънавий-маърифий йўналиш бўлсин, барча жабҳада мустақиллик йилларида улкан ўзгаришлар юз берганига гувоҳмиз.

Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган мустаҳкам тинчлик-осойишталикнинг самарасидир. Биз, аввало, ана шу бебаҳо неъмат — тинчлик ва осойишталик учун шукроналик айтмоғимиз керак. Шу таҳликали замонда бунга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Буни ҳар биримиз билмоғимиз ва қадрига етмоғимиз лозим. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат натижасидир.

Бироқ халқимиз эришаётган ютуқларни кўролмаётган, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка раҳна солишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бундай кучлар, биринчи галда, ҳали етарлича ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган, оқ-қорани яхши танимайдиган ёшларни тўғри йўлдан оғдиришга ҳаракат қилаётгани ҳам сир эмас.

Шунинг учун биз, ёши улуғлар — ота-оналар, устоз-мураббийлар, маҳаллалар оқсоқоллари фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, таълим-тарбия ишига енгил-елпи қарамаслигимиз керак.

**(Давоми 2-бетда).**



Оддий аскар Зуфар Бердиевни ҳарбий жамоада профессионал посбон сифатида танишади. Уни изланувчан, ҳаракатчан ва тиришқоқ Ватан ҳимоячиси сифатида ҳам билишади. Қишки ўқув мавсуми бошлангандан буён унинг бўлинмаси илғорликка даъвогарлардан ҳисобланади. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки бу бўлинмада ўзига талабчан посбонлар хизмат қилишади. Сиз расмда ўқ отиш тайёргарлиги машғулотидан ўқчи вазифасида хизмат қилаётган оддий аскар Зуфар Бердиевни кўриб турибсиз.

**Александр МРУЧАК олган сурат.**

## МУДОФАА ЧИЗИҒИДАН – НИШОНГА ҚАРАТА

...Юриб бораётган зирҳли жанговар техникадан посбонлар тезкорлик билан сакраб тушишди. Командирнинг кўрсатмасига биноан улар занжир ҳолатини ташкил этишиб, мудофаа чизиғини эгаллашлари лозим. Ҳар бир мутахассис ўз позициясини эгаллади. Ниҳоят, шартли душман — нишонлар кўринди. Улар ҳужум қилувчи, чекинувчи, пайдо бўлувчи каби нишонлардир. Ўқчи посбон – оддий аскар Комил Машарипов тахминан 350-400 метр масофадаги нишонни бартараф этиши керак. Қимирламай, жойида турган бу нишон илк уринишдаёқ забт этилди. Навбат тахминан 250-300 метр масофадаги нишонни мўлжалга олишга келди. Оралиқ масофа яқин бўлгани билан уни бартараф этишнинг ўзига хос мураккабликлари бор. Ахир бу пайдо бўлувчи нишон-да. Аниқ, тезкор ҳаракат қилинмаса, бирпасда кўздан ғойиб бўлади. Ўқчи посбон бу сафар ҳам мўлжалдан адашмади.

Бу айни пайтда мотоўқчилар жамоасида авж палласига чиққан гуруҳ жанговар отиш машғулотларидан бир лавҳа эди. Энди лавҳа қаҳрамони билан яқиндан танишсак. Оддий аскар Комил Машарипов Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидан. У лейтенант Жаҳонгир Тиллаев етакчилик қилаётган гуруҳда хизмат қилаяпти. Буни қаранг, вақтинча взвод командири вазифасини ҳам лейтенант унвонидаги офицер бажармоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

# ЭЛ-ЮРТИНГГА МУНОСИБ БЎЛ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Бу дунё бозорга ўхшайди. Кимдир унга бораётган бўлса, кимдир қайтаётир. Бозордан қайтаётганлар — биз, ёши улуғлар, турмушнинг аччиқ-чучугини татиган, ҳаётий тажрибага эга одамлардирмиз. Бозорга бораётганлар эса онгу шуури, дунёқараши ҳали тўла шаклланмаган, масъум ёшларимиз. Халқимизнинг одатига кўра, биз бозорда кўрганларимизни унга бораётганларга айтишимиз керак: "Ўғри-ёлғончи, фирибгарнинг домига тушиб қолма, адашма, эҳтиёт бўл!" — дея огоҳлантиришимиз шарт.

Мен орзу қиламанки, қанийди ҳар бир ота-она бу дунёдан кетар чоғида фарзандини ёнига чақириб: "Мен сени ҳалоллик билан улғайтирдим. Бошингни кўтариб юр! Эл-юртингга муносиб бўл!" дея олса. Бундай ота-онанинг икки дунёда ҳам юзи ёруғ бўлиши шубҳасиз.

Мустақиллик фарзандлари — руҳан янги авлод. Билимда ҳам, илмда ҳам, яшашу интилишда ҳам дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган йигит-қизлар. Улар тўн ҳам кияди, галстук ҳам тақиб юради. Истиқлол туфайли миллий ўзлигини тўла англаб етиш имкониятига эга, дунё билан бемалол тиллашаётган ва тенглашаётган бахтли авлод.

Юртбошимиз айтадики, фарзандларимиз биздан кўра билимли, ақлли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт. Бугун Ўзбекистонда ҳамма нарса ана шу улуғ мақсадга йўналтирилган. Юртимизнинг қайси бир вилояти, қайси бир туманига борманг, ойдай ярқираб турган муҳташам коллежларга кўзингиз тушади. Мен кўпинча уларни Ҳиндистонда Бобурийлар барпо этган, дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Тож Маҳалга ўхшатаман. Уларда оддий чўпону деҳқоннинг, ишчию хизматчининг фарзандлари замонавий билимларни эгаллаяпти. Бобомиз Хоразмий ўйлаб топган алжабр асосида яратилган компьютерни ўрганаяпти.

Дарвоқе, даҳолар ҳақида гап кетганда таъкидлаб ўтай: улуғларни бировдан қарз оладиган жойимиз йўқ.

Чорвадор аҳли орасида шундай нақл юради. Етим қўзи кўринган қорани онам деб изидан эргашиб кетаверар экан. Биз ҳеч қачон етим қўзи бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам. Фарзандларимиз, аввало, ана шу олий ҳақиқатни яхши англаб етишлари керак. Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби боболарини таниган ўспиринга қандайдир чет эллар радиолари ақл ўргата олишига ишонмайман. Хорижда, айниқса, Шарқ мамлакатларида "Мен имом Бухорийнинг юртиданман!" десангиз, сизни барча бошига кўтаради. Чунки, Қуръони каримдан кейинги китоб — Ҳадиси шарифни яратган зот ўзбек олимидир.

Оққан дарё оқаверади, деган ҳикматга ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўтган 14 йил мобайнида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти даврасида бўш турган ўз ўрнини эгаллади. Бизни ҳурмат қиладилар, биз билан ҳисоблашадилар. Булар ўз-ўзидан рўй бераётгани йўқ, албатта. Бунинг замирида буюк ва фидокорона меҳнат, улкан маданият ва иродаси улуғ Шахс турибди.

Юртимиз истиқлолининг ўз муаллифи, яловбардори бор. Бу яловбардор Ислом Каримовдан бошқа одам бўлганида Ўзбекистон деб аталмиш улкан кемани, ким билсин, қайси томонларга бошлаб кетиши, халқимизнинг бошига не бир кулфатлар солиши мумкин эди. Юртбошимиз йўл бошидаёқ Ўзбекистонимиз тараққиётининг беш тамойилини белгилаб берди ва бугун халқимиз ундан оғишмай олға бормоқда.

Баъзан ошдан тош, гуручдан курмак қидириш ҳоллари учраб туради. Дейлик, бирор вилоятнинг узоқ қишлоғидаги мактаблардан бирининг синфидаги бирор парта синган бўлса, уни мамлакат миқёсидаги нуқсон-муаммога айлантиргувчилар зумда топила қолади. Лекин Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ана шундай мактабларни бутунлай қайта таъмирлаш, янгиларини қуриш учун 1,3 триллион сўм ажратилганини улар билармикан? Албатта, билади. Аммо билмасликка олади. Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланганини бутун жаҳон кўриб турибди.

Бу Юртбошимизнинг: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" дея фахр-ифтихор билан айтган гапларини ёдга солмайдими. Ўтган йили Самарқанд шаҳрида "Ёшлар маркази" очилганида мен доноларча айтилган бу гапни бот-бот эсладим. Негаки, ёшларнинг замонавий қасридан сал нарида қадимий Регистон қад ростлаб турибди.

Биз қадимдан тузиб, экиб-ундириб, яратиб ўрганган бунёдкор халқмиз. Бундай иншоотларни кўчманчи халқлар қура олмаган, билъакс, давлатчилиги, илму маърифати мустаҳкам, жаҳон тамаддуни тараққиётига ўз таъсирини кўрсата олган халқ, миллатгина қура олган.

Эришаётган ютуқларимизни кўролмаётган кучларнинг нияти — ёшларимизни турфа найранг билан ўз домига тортиш. Бири келиб демократияни ўргатаман, деб чалғитади. Иккинчиси — динни. Асл мақсади эса халқнинг ўртасига қутқу солиш, болани — отага, каттани — кичикка, халқни давлатга қарши қўйиш.

Бундай "меҳрибонлар"нинг айримлари халқимиз демократия борасида эришган ютуқларни ўзларича тафтиш қилмоқчи бўладилар. Ғарбда "ясалган" қолипларини олиб келиб бошимизга қўндирмоққа уринадилар. Бошқача айтганда, гўё ўзбек ўғлонидан шотландиялик эркаклар каби юбка кийиб юришни талаб қиладилар.

Ҳар бир халқнинг ўз миллий либоси, анъаналари бўлгани каби, демократияга ҳам ўзига хос ёндашуви бўлиши табиий. Масалан, демократия ва адолат билан иш юритувчи маҳалла муассасаси, тушунчаси фақат Ўзбекистонда, ўзбекларда бор. Маҳаллаларимиздаги одатга кўра, оқсоқоллар фикрига қулоқ солиш диктатура эмас, ҳурмат, одоб белгисидир. Ҳурмат-иззат бўлмаган жойда демократиядек мўътабар тушунча шаллақиликка айланмайдими! Дейлик, мен Оврупога бориб, бу ерда маҳалла йўқ экан, демак, демократия ҳам йўқ, десам, қандоқ бўларкин.

Динни ўзларининг ёвуз мақсадлари йўлида ниқоб қилиб олган айрим оқимлар вакиллари аёлларни, оналарни фарзандларига, оиласига қарши қўйишга уринаётгани янада аянчли.

Халқимиз фақат Аллоҳ билан онага топиниб келган. Бу аёлга, онага нисбатан буюк ҳурмат ифодасидир. Ота-боболаримиз онасининг, қизининг қўлини совуқ сувга урдирмасликка уринган, аҳлу аёлини аяган. Бугун шу анъана давом этаётганини кўрган айрим демократия пешволари: Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари чекланган, деб жар солишдан уялмаяпти.

Бугунги ёшлар Ғарбдан бошпана излаб юрган "доҳийчалар"дан, Афғонистонда бангиларга югурдаклик қилиб умр ўтказаётган чаламуллалардан эмас, Ўзбекистонимизнинг байроғини баланд кўтараётган Рустам Қосимжонов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ирода Тўлаганова каби йигит-қизлардан ибрат олсинлар!

Одам тоққа қоқинмайди, тошга қоқинади. Илоё, тошга қоқинмайлик.

Агар барчамиз ҳамжиҳат ва аҳил бўлсак, Ватанимизни суйсак, Юртбошимизнинг атрофида янада жипслашсак, ўзбекни ҳеч ким енголмайди. Душман орамиздан чиқади. Унинг номи маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва бефарқликдир. Тарихни унутмайлик: бир хонлигимизни ёв босганида қолган икки хонлигимиз томошабин бўлиб қараб тургани — миллатнинг бўлинишига аянчли мисол эмасми!

Инсоннинг табиати шу: турмушдаги муаммолар дарҳол ечилиб, Аловуддиннинг дастурхонидаги каби ҳамма нарса бир зумда муҳайё бўлишини истайди. Лекин ғишт устига ғишт қўйиш учун ҳам фурсат керак-ку!..

Ўзбек кураши илгари чет-чеккада, тўй-ҳашамда эсга тушадиган машғулот эди. Истиқлолимиз шарофати билан унга давлат эгалик қилди. Унинг дунё бўйлаб кенг ёйилишида Президентимиз Ислом Каримовнинг ўзлари бош-қош. Бугун саксонга яқин мамлакат курашни спорт тури сифатида расман тан олган ва кураш бўйича ўз миллий федерацияларини тузган. 12-13 йил илгари бундай гаплар тушимизга ҳам кирмас эди.

Бир куни самолётда сафардан қайтаётган эдим. Ёнимдаги ҳамроҳим қўшни мамлакатлардан бирининг вакили экан. Қўлидаги газетага имо қилиб, мақтаниб қолди: "Кўринг, бизда демократия мана шундай кенг тарқалган". Қарасам, ўша мамлакат раҳбарининг эшакка миндириб чизилган масхарали расми.

"Президент — юртнинг отаси, — дедим, — ўзларинг — бутун халқ — овоз бериб сайлагансизлар. Кишининг ўз отасини масхара қилиши Шарқда демократия мезони эмас, ўта кетган адабсизлик ҳисобланади. Шарқ Ғарбдан ўзининг донолиги ва назокати билан ажралиб туради. Каттага ҳурмат, кичикка иззат эса ана шундай донолигининг бир кўриниши. Отангни масхара қилганинг учун мақтанма-да, ошна."

Ҳамроҳим қўлидаги газетани ғижимлаб ташлади: "Юртимга борайин, шу газетанинг редакторини ейман!"

Биз, ўзбеклар робинзонлар эмасмиз.

Мамлакатимиз ҳудудида археологик қазишмалар олиб борган баъзи олимлар Чағониён, Ерқўрғон, Кампиртепа каби жойлардан топилган ашёларни бутпарастлик, оташпарастлик сингари ташқи дунё таъсирларининг ўзига хос кўриниши сифатида таърифлайди. Аслида эса улар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тамаддуни — цивилизацияси мавжуд бўлганлигидан яққол далолатдир. Бу тамаддун замирида туб жой аҳолисининг манфаатлари, маънавий-маърифий, маданий анъаналари ўз ифодасини топган.

Бунга ким шубҳа қилса, неча минг йиллик қалъа-қасрларимизни, қадимий ғорлардан топилган ранг-баранг расмларни бориб кўрсин. Энг қадимий шахмат тошлари бизнинг заминимизда топилган. Суякдан ясалган энг қадимий най илк бор ўзбек заминида наво таратган. Буларнинг бари ўзининг мустақил давлатчилиги, гуркираб ривожланган маданияти, тамаддуни мавжуд жойдагина пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам шаҳарларимизнинг ёши бир-биридан катта чиқаверади. Ёши аниқланмаган неча қўрғонларимиз эса навбат кутиб турибди.

Фарзандларимиз ўзларини улуғ халқнинг фарзанди сифатида ҳис қилганида мана шундай жиҳатларга эътибор берсин.

**Қ.ОЧИЛОВ ёзиб олди. (ЎзА).**
**(«Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 15 февраль сонидан олинди).**

## Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги — миллий ғоя асоси

# ҒОЯ—СТРАТЕГИЯ, МАФКУРА—ТАКТИКА

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай таъкидлайди: «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат».

–Биз ҳарбийлар, Ватан ҳимоячилари, – дейди Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси тингловчиси подполковник Рустам Раҳмонов, – стратегия деганда назарияни, тактика деганда амалиётни тушунамиз.

Демак, стратегик мақсадимиз «қатъий ва ўзгармас». Шундай бўлгач, барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу стратегик мақсадимизни амалга оширишга, яъни ҳарбийча айтганимизда, тактикага қаратилмоғи зарур.

Биз миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясини аниқлаб олдик. Бу– озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Унинг асосий ғояси эса:— Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликдан иборат.

Миллий истиқлол мафкурасидан асосий вазифалар келиб чиқади. Улар қуйидагилардан иборат: ҳар бир фуқарода мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш, ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш, фуқаролар, айниқса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилишга, имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳитни яратиш, ватандошларимиз тафаккурида ўзликни англаш, тарихий хотирага садоқат, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, халқимизга хос бўлган имон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни янада юксалтириш, мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида «Ўзбекистон ягона Ватан», деган тушунчани шакллантириш ва ривожлантиришимиз керак.

Олдимизда узоққа мўлжалланган ана шундай улкан вазифалар турибди. Уларни бажаришга барча ҳарбийларимиз – муддатли ҳарбий хизмат хизматчиси – оддий аскармизми, шартнома бўйича хизмат хизматчиси – сержантмизми, офицермизми ёки Қуролли Кучлар хизматчисимизми, ким бўлишимиздан қатъи назар, камарбаста бўлишимиз шарт.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак».

– Мен ёниб яшамасам, сен ёниб яшамасанг, у ёниб яшамаса, – дейди Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Баҳодир Ҳусанов, – ким ёниб яшайди?

Бўлажак офицернинг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаймизки, биз ҳаммамиз биргаликда катта кучмиз, катта кучни, бирлашган кучни енгиб бўлмайди.

Демак, стратегиямиз аниқ, у узоқ йилларга мўлжалланган. Энди ҳамма гап тактикада, амалиётда. Барчамиз ана шу стратегияни амалга ошириш учун тактикага, яъни амалиётга жиддий эътиборни қаратиб, биргаликда тер тўкишимиз зарур. Ана шунда мақсадимизга эришамиз.

**Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Замонавий жангда бекаму кўст алоқанинг ўрни ниҳоятда муҳим. Буни радио бўлинма бошлиғи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баён Холиқулов жуда яхши тушунади. Суратда у қўл остидаги оддий аскарлар – Нурали Мусаев ва Шодмон Жўраевга алоқа техника воситаларидан тўғри фойдаланишни ўргатмоқда.

**Александр МРУЧАК олган сурат.**



# МУДОФАА ЧИЗИҒИДАН – НИШОНГА ҚАРАТА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Яъни, лейтенант Шавкат Сармонқулов. Қолаверса, улар иккови ҳам Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллашган. Буни таъкидлашимнинг боиси, нуфузли ҳарбий билим масканини тугатган ёш офицерларимизнинг тажрибаси, маҳоратини таъкидлаш. Яна бир муҳим жиҳат – гуруҳ жанговар отиш машғулотларида батальонда намуна бўлган взвод шунқорларининг бари 2004 йилнинг кузида сафларни тўлдиришган.

– Турли хил тактик усулларни қўллаб, жанговар ўқув машғулотларини ўтаяпмиз. Дейлик, гуруҳлардан биттаси пистирма қўйиш борасида тактик машғулотни бажарса, иккинчиси ҳужум қилиш машқини бажаради. Навбатдагиси мудофаа жангини олиб боради. Бу машғулотлар посбонларимизнинг жанговар маҳоратини янада тоблаяпти. Ушбу дала-ўқув машғулотларида оддий аскарлар – Жаҳонгир Арслонов, Комил Машарипов, Баҳриддин Тўраев, шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари – Нусрат Раззоқов, Акбар Адизов, Рустам Эрназаровларнинг фаоллигини таъкидлаб ўтмоқчиман, – дейди батальон командири майор Комилжон Эштемиров.

Гуруҳ жанговар отиш машғулотлари жамоанинг жанговар шайлигини ўзига хос синовдан ўтказди. Демак, ютуқлар, камчиликлар таҳлил қилинади ва олдиндаги муҳим синовга тайёргарлик кўрилади. Ахир, мотоўқчиларни қишки ўқув мавсуми синов машғулотларидан олдин батальон тактик ўқув машғулоти кутмоқда.

Майор Алижон САФАРОВ.

# 21 ФЕВРАЛЯ ПОНЕДЕЛЬНИК

## УЗБЕКИСТАН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Ноилож сайёдлар».
9.35 «Бизнес ҳафта».
9.50 «Кино, кино, кино».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Камалак».
11.30 Т. Жалилов номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 «Дастурхон атрофида».
12.20 «Ўзим билан ўзим».
13.20 «Қишлоқ ҳаёти».
13.40 Эстрада тароналари.
14.10 «2005 йил — Сиҳат саломатлик йили».
14.35 «Одами эрсанг».
15.00 «Вашингтон майдонидаги уй». Бадиий фильм.
16.45 «Болалар сайёраси».
18.10 «Ақл ва идрок».
18.30 Мумтоз наволар.
18.40 «Мулкдор».
19.00 «Мактуб — дил ойнаси».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Фарз ва қарз».
21.25 «Ўзбегим юлдузлари» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона». Телесериал.
22.55 «Оҳанглар оғушида».
23.05 «Ахборот-дайджест».
23.25 Ватан тимсоллари.

## ЁШЛАР

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
17.35 «Янги авлод» почтаси. Болалар шеърияти.
18.05 Сув — ҳаёт манбаи.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Қизил ҳудуд.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ҳамкор — 2005.
20.15 Олис манзиллар.
20.35, 21.25 Эълонлар.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Озод юрт фарзандлари.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
1.20 Хайрли тун.

## ТАШКЕНТ

17.15 «Индаба».
17.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.00, 20.45 «Экспресс».
18.10 «Медицина для Вас».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт».
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 «Следствие».
20.20 «Ёшлар даврасида».
21.15 «Мурувват».
21.55 Кинооко: «Только после Вас».

## СПОРТ

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке).
9.05 «История вечной любви». Комедия.
11.40 Перед Ташкентским международным кубком по футболу.
11.55 Мини-футбол. Кубок Узбекистана.
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке).
17.15 «Детский спорт».
17.30 «Две судьбы». Худ. фильм.
18.00 Новости.
18.10 «Две судьбы». Худ. фильм.
18.40 «Клон». Сериал.
19.40 Жди меня.
21.00 Время.
21.30 «Новости».
21.45 «Королевы спорта».
22.00 Премьера. «Истина».
22.55 Международный спорт: «Проф-РИНГ».

## ПЕРВЫЙ

6.00 «Доброе утро».
9.00 Новости.
9.05 Комедия «История вечной любви».
11.40 Дисней-клуб: «Лило и Стич».
12.00 Новости.
12.20 «Женщины в любви».
13.10 Фильм «Единожды солгав...».
15.00 Новости (с субтитрами).
15.20 «День рождения Буржуя-2».
16.20 «Пять вечеров».
17.30 «Две судьбы».
18.00 Вечерние новости (с субтитрами).
18.10 «Две судьбы».
18.40 «Клон».
19.40 Жди меня.
21.00 Время.
21.30 «Кавалеры Морской Звезды».
22.40 Спецназ. «Игра в ядерную рулетку».
23.30 Ночное «Время».
23.50 Искатели. «Летучий Голландец».
00.20 «Красота из-под скальпеля». Документальный фильм.
00.50 «Сканер». «Кто заказывает музыку».
1.20 Романтическая комедия «Сведи меня с ума».
2.40 Фильм «Три ниндзя: костяшки вверх».
4.10 «Тайны Белого дома».
5.00 Новости.
5.05 Неизвестная планета. «Мир богов Гоа».

## РОССИЯ

3.00 «Доброе утро, Россия!»
6.45 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
7.45 «От любви до ненависти. Уинстон Черчилль». Фильм 1-й.
8.40 «В «Городке».
8.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9.00 ВЕСТИ.
9.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
9.50 «Линии судьбы».
10.50 «Что хочет женщина».
11.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
12.00 ВЕСТИ.
12.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
12.30 Фильм «Бэтмен и Робин».
14.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
15.00 ВЕСТИ.
15.10 «Честный детектив».
15.45 «Кармелита».
16.45 «Исцеление любовью».
17.45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.
18.00 ВЕСТИ.
18.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
18.50 «Спокойной ночи, малыши!»
18.55 «Тайны следствия-3».
20.00 Телесериал «Любовница».
21.00 «ВЕСТИ+».
21.20 ПРЕМЬЕРА. «Найти и уничтожить. Конец банды Гелаева».
22.15 «Синемания».
22.45 «Дорожный патруль».
23.05 Детектив «Энигма».
00.55 Канал «Евроньюс» на русском языке.
2.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

## ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 «Мульти-пульти».
10.00 «Ураганчики».
10.30 «Мульти-пульти».
11.00 «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 «ВОРОВКА-2».
13.00 «СЛУЖИЛИ ДВА ТОВАРИЩА».
15.00 «Анималия».
15.30 «Секреты кино».
16.00 «ЛЕГКИЕ ДЕНЬГИ».
18.00 «ОСТРОВ ОГНЯ».
20.00 «Анималия».
20.30 «На пределе».
21.00 «ВОРОВКА-2».
22.00 «РОБИН ГУД — ПРИНЦ ВОРОВ».
00.55 «СИЛА ЕДИНСТВА».

## НТВ

6.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ».
9.05 «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО. КТО УБИЛ ДЖЕЙ БИ ФЛЕТЧЕР?»
10.00 «СЕГОДНЯ».
10.25 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ».
10.55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК».
11.55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС».
13.00 «СЕГОДНЯ».
13.35 «МАНГУСТ-2».
15.35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».
16.00 «СЕГОДНЯ».
16.20 «ПРИНЦИП ДОМИНО».
17.30 Детективный сериал «АДВОКАТ. ПОБЕГ». 1-я часть.
18.35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».
19.00 «СЕГОДНЯ».
19.40 «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ».
20.45 Сериал «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ-5. ИСЧЕЗАЮЩИЙ ВИД». 1-я часть.
21.50 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».
22.00 «СЕГОДНЯ».
22.35 «СТЕРВЫ, ИЛИ СТРАННОСТИ ЛЮБВИ».
24.00 «СЕГОДНЯ».
00.15 «СТЕРВЫ, ИЛИ СТРАННОСТИ ЛЮБВИ».
1.10 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ».
1.45 Комедия «СЫГРАЙ ЭТО ЕЩЕ РАЗ, СЭМ».
3.15 «ЗАПАДНОЕ КРЫЛО».
4.00 «СЕГОДНЯ».
4.10 «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО».
4.55 «БЕЗ СЛЕДА II».
5.40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».

# 22 ФЕВРАЛЯ ВТОРНИК

## УЗБЕКИСТАН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Ноилож сайёдлар».
9.30 «Рангин дунё».
9.50 «Табиат шифохонаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Мулкдор».
10.25 «Метичара — денгиз жонивори». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Фарз ва қарз».
12.25 Опера санъати юлдузлари куйлайди.
12.45 «Сиз кутган учрашув».
13.15 «Бегона».
14.10 «Мактуб — дил ойнаси».
14.45 «Бу турфа олам».
15.35 «Болалар сайёраси».
16.35 «Мусиқа ва театр».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши.
18.35 «Таълим: ислоҳотлар йўлида».
18.55 «Куйла, ёшлигим».
19.10 «Тафсилот».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус.).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (ингл.).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 «Хониш».
21.55 «Бегона».
22.55 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
23.15 «Оҳанглар оғушида».
23.25 «Ахборот-дайджест».
23.45 Ватан тимсоллари.

## ЁШЛАР

7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» почтаси.
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Катта танаффус.
10.30 «Ана, холос». Мультфильм.
10.40 Юртим сиҳатгоҳлари.
11.00 Қуёшли юрт одамлари.
11.20 «Экспедиция».
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида).
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 Интерфутбол.
14.50 Болалар шеърияти.
15.00 Қизил ҳудуд.
15.15 «Даллас».
16.15 Олис манзиллар.
16.35 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қиш».
16.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.10 Телевикторина.
17.15 Ёшлар куйлаганда.
17.30 Янги алифбони ўрганамиз.
17.45 Каратэ-2004.
18.05 «16 га кирмаган ким бор?»
18.25 1001 маслаҳат.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.50 Дийдор.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 ТВ-адвокат.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Ҳандалак. 1-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Кавингтон Кросс». Сериал. 1-я серия.
23.30 Футбол-плюс.
23.50 Хайрли тун.

## ТАШКЕНТ

17.15 «Индаба».
17.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.00, 20.40 «Экспресс».
18.10 «Мульткарусель».
18.30, 20.00, 20.50, 21.40 «Пойтахт».
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 Сериал на ТТВ: «Следствие».
20.20 «Инсон ва қонун».
21.10 «Всё о туризме».
22.00 «Ўзбегим наволари». Мусиқий дастур.
22.20 Кинооко: «Осень в Нью-Йорке».
24.00 Спокойной ночи, город !

## СПОРТ

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке).
9.05 «Кавалеры Морской Звезды». Сериал.
10.10 «Детский спорт».
10.25 Дисней-клуб.
10.45 Мини-футбол.
11.20 Профессиональный баскетбол.
17.00 «Новости» (на русском языке).
17.15 «Детский спорт».
17.30 «Две судьбы».
18.00 Новости.
18.10 «Две судьбы».
18.40 «Клон». Сериал.
19.50 «Кривое зеркало».
21.00 Время.
21.30 «Новости».
21.45 «Спорт — моя жизнь».
22.00 Премьера. «Истина».
22.55 Футбол. Ташкентский международный турнир. «Локомотив». (Тбилиси) — «Пюник» (Ереван).
23.45 «Спокойной ночи!»

## ПЕРВЫЙ

6.00 «Доброе утро».
9.00 Новости.
9.05 «Кавалеры Морской Звезды».
10.10 «Клон».
11.30 Дисней-клуб: «Чип и Дейл спешат на помощь».
12.00 Новости.
12.20 «Женщины в любви».
13.20 Фильм «Кадкина всякий знает».
15.00 Новости (с субтитрами).
15.20 «День рождения Буржуя-2».
16.20 «Пять вечеров».
17.30 «Две судьбы».
18.00 Вечерние новости (с субтитрами).
18.10 «Две судьбы».
18.40 «Клон».
19.40 «Кривое зеркало».
21.00 Время.
21.30 «Кавалеры Морской Звезды».
22.40 Боевик «Перед рассветом».
00.20 Забойная комедия «Убойный футбол».
2.00 Триллер «Два дня в долине».
3.40 Фильм «Бэйб».
5.00 Новости.
5.05 Фильм «Бэйб».

## РОССИЯ

3.00 «Доброе утро, Россия!»
6.45 «Тайны следствия-3».
7.45 «От любви до ненависти. Уинстон Черчилль». Фильм 2-й.
8.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9.00 ВЕСТИ.
9.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
9.50 «Линии судьбы».
10.50 «Что хочет женщина».
11.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
12.00 ВЕСТИ.
12.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
12.30 «Частная жизнь».
13.30 Телесериал «Любовница».
14.30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14.40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
15.00 ВЕСТИ.
15.10 «Кулагин и партнеры».
15.45 «Кармелита».
16.45 «Исцеление любовью».
17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
18.00 ВЕСТИ.
18.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
18.50 «Спокойной ночи, малыши!»
18.55 «Тайны следствия-3».
20.00 «Любовница».
21.00 «ВЕСТИ+».
21.20 «Баловень судьбы. Феномен Льва Лещенко».
22.15 Приключенческий фильм «Случай в квадрате 36-80».
23.40 «Дорожный патруль».
24.00 СЕРИАЛ «Прочная сеть».
00.50 «Навеки Джулия».
2.20 Канал «Евроньюс» на русском языке.

## ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 «Мульти-пульти».
10.00 «Ураганчики».
10.30 «Мульти-пульти».
11.00 «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 «ВОРОВКА-2».
13.00 «КРЫСЫ, ИЛИ НОЧНАЯ МАФИЯ».
15.00 «Анималия».
15.30 «Секреты кино».
16.00 «РЕЙД ВОЗМЕЗДИЯ».
18.00 «БЕСПОКОЙНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ».
20.00 «Анималия».
20.30 «На пределе».
21.00 «ВОРОВКА-2».
22.00 «МОШЕННИКИ».
24.00 «ЛЕГКИЕ ДЕНЬГИ».
2.00 «На пределе».
2.30 «УДАР ИЗ КОСМОСА».

## НТВ

6.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ».
9.05 «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО. ГРЯДЕТ НАЛОГОВЫЙ ИНСПЕКТОР» .
10.00 «СЕГОДНЯ».
10.15 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
10.45 Сериал «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ-5».
11.55 «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ».
13.00 «СЕГОДНЯ».
13.35 Комедия «АРМИЯ СПАСЕНИЯ».
15.30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».
16.00 «СЕГОДНЯ».
16.20 «ПРИНЦИП ДОМИНО».
17.30 Детективный сериал «АДВОКАТ. ПОБЕГ». 2-я часть.
18.35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».
19.00 «СЕГОДНЯ».
19.40 «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ».
20.45 «АГЕНТ НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ-5. ИСЧЕЗАЮЩИЙ ВИД». 2-я часть.
21.50 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».
22.00 «СЕГОДНЯ».
22.35 Фильм «ШКУРА АНГЕЛА».
24.00 «СЕГОДНЯ».
00.15 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ».
00.35 ФУТБОЛ. ЛИГА ЧЕМПИОНОВ. «Реал» (Испания) — «Ювентус» (Италия).
2.45 «МЕНТОВСКИЕ ВОЙНЫ».
3.40 Бильярд.
4.00 «СЕГОДНЯ».
4.10 «ФУТБОЛЬНЫЙ КЛУБ».
5.10 «БЕЗ СЛЕДА II».

ВАТАНПАРВАР

# 27 ФЕВРАЛЯ ВОСКРЕСЕНЬЕ

## УЗБЕКИСТАН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Жаҳон эстрадаси».
11.40 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.
12.05 «Алифбо сабоқлари».
12.25 «Интеллектуал ринг».
13.10 «Бокиралик асри». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.00 «Қорақалпоқнома».
14.20 «Портретга чизгилар».
14.40 «Кўҳна замин оҳанглари».
15.00 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Гардашлиг дунёсинда».
16.20 «Шеърга кўчган кўнгил».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож».
17.35 «Шахсий фикр».
18.05 Бир жуфт кўшиқ.
18.15 «Иқтидор». Телеўйин.
19.05 «Масъул сўз».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Олам».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Яхшилик».
21.40 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
«Якшанба кинозали»:
22.00 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Сизга мактуб». Бадиий фильм.
23.50 Ватан тимсоллари.

## ЁШЛАР

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
8.55 «Буюк ёпилиш». «Шалпангқулоқ». Мультфильмлар.
9.15 Қалпоқ.
9.45 Очил дастурхон.
10.05 Ёшлик наволари.
10.15 Кинотақдим.
10.35 Ҳамкор-2005.
10.45 «Мультгомоша».
11.00 Аскар мактублари.
11.20 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.10 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
13.00 «Ниқобдаги Зорро». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.10 Чемпион сирлари.
14.30 «Ниқобдаги Зорро». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.45 Меҳр кўзда.
16.35 Ринг қироллари.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси.
17.55 Спорт ҳафтаномаси.
18.10 Сув — ҳаёт манбаи.
18.15 «Қаҳқаҳа» ҳангомалари.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Дилшод Раҳмонов куйлайди.
20.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.50 Оҳанрабо.
21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
22.30 «Океан тубида». Бадиий фильм.
00.15 Хайрли тун.

## ТАШКЕНТ

ТОШКЕНТ ТЕЛЕКАНАЛИ ИЖОДКОРЛАРИ «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК» ЙИЛИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «4 КАРРА ЙЎҚ» ТЕЛЕМАРАФОНИНИ СОАТ 15.00 ДАН 1.30 ГАЧА ЭФИРГА УЗАТАДИ.

## СПОРТ

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро».
8.45 «Новости» (на русском языке).
9.00 «Детский спорт».
9.20 Мультфильм.
9.35 «Веселые старты».
10.10 «Непутевые заметки».
10.30 «Пока все дома».
11.10 «Секреты здоровой пищи» (англ.).
11.20 «Ваш соперник — гроссмейстер».
11.40 Международный футбол.
12.10 Из истории мирового бокса.
13.10 Дисней-клуб.
13.40 «Зимняя шутка с...».
14.10 «Встань и иди».
16.45 «Новости» (рус.).
17.00 Футбол. Молодежная сборная команда Белоруссии — Олимпийская сборная команда Украины.
17.50 «Бинафша».
18.10 «Пятерка сильнейших».
19.00 Ералаш.
19.20 Кинокомедия «Доктор Дулиттл».
21.00 Время.
21.45 «Новости».
22.00 «Спорт — моя жизнь: Спортсмен в запасе».
22.20 Международный турнир по курашу.
22.45 Фигурное катание.

## ПЕРВЫЙ

6.00 Новости.
6.10 Фильм «Земля до начала времен».
6.50 Фильм «В профиль и анфас».
8.20 Армейский магазин.
8.50 Дисней-клуб: «Команда Гуффи».
9.10 «В мире животных».
10.00 Новости.
10.10 «Непутевые заметки».
10.30 Пока все дома.
11.10 Дог-шоу.
12.00 Новости (с субтитрами).
12.10 Живая природа. «Правда о тигре».
13.10 Дисней-клуб: «Микки Маус и его друзья».
13.40 «Зимняя шутка с...»
14.10 «Встань и иди».
14.40 «Слабое звено».
15.30 Алла Пугачева. Избранное.
18.00 Времена.
19.00 «Воскресный «Ералаш».
19.20 Комедия «Доктор Дулиттл».
21.00 Время.
21.45 Фильм «Игры разума».
00.10 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира.
1.10 «Лекари-убийцы».
2.10 Комедия «Кофе и сигареты».
4.00 Фильм «Снега Килиманджаро».

## РОССИЯ

3.50 Фильм «Живые и мертвые». 2-я серия.
5.25 «Колоссальное хозяйство».
5.40 «Военная программа».
6.00 ВЕСТИ.
6.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
6.20 «Студия «Здоровье».
6.50 «ТВ Бинго-шоу».
7.05 «Диалоги о животных».
8.00 «Вокруг света».
9.00 ВЕСТИ.
9.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ — МОСКВА.
9.20 «Пирамида».
9.50 «Городок». Дайджест.
10.20 «Сам себе режиссер».
11.15 «Парламентский час».
12.00 ВЕСТИ.
12.20 «Фитиль №32».
13.15 Мелодрама «Любимый Раджа».
15.55 «Бенефис Александра Буйнова».
18.00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
19.00 «Специальный корреспондент».
19.25 Боевик «Трудная мишень».
21.25 Комедия «Деньги решают все».
23.20 Фильм «М. Баттерфляй».
1.20 «Клоун».
2.15 Канал «Евроньюс» на русском языке.

## ТВ-3

8.30 Жизнь в слове.
9.00 «Мистер Бамп».
9.30 «Мульти-пульти». Русские мультфильмы.
11.00 «ЛЕГЕНДА О РАЙЕНЕ».
13.00 «МОШЕННИКИ».
15.00 Документальный сериал «Четвероногие в кадре и за кадром-4».
15.30 Окно в мир.
16.00 «АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС ПРОТИВ ЦЕЗАРЯ».
18.15 «ИСТОРИЯ ЛЮБВИ».
20.00 Русские мультфильмы.
20.30 «Четвероногие в кадре и за кадром-4».
21.00 «Голливуд On-Set».
21.30 «Осторожно, модерн!»
22.00 «УЛЬТИМАТУМ».
23.35 «АРТИСТ И МАСТЕР ИЗОБРАЖЕНИЯ».
2.00 «Осторожно, модерн!»
2.30 «РОМАСАНТА: ОХОТА НА ОБОРОТНЯ».

## НТВ

6.00 Детское утро на НТВ.
6.30 Фильм «ТАИНСТВЕННЫЙ ОСТРОВ».
8.00 «СЕГОДНЯ».
8.15 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА».
8.40 «ИХ НРАВЫ».
9.25 «ЕДИМ ДОМА».
10.00 «СЕГОДНЯ».
10.20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ».
10.50 «TOP GEAR».
11.25 «ДАЧНИКИ».
12.00 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».
13.00 «СЕГОДНЯ».
13.20 «ВОЕННОЕ ДЕЛО».
13.55 Детектив «ДЕЛО РУМЯНЦЕВА».
16.00 «СЕГОДНЯ».
16.20 «ТАЙНЫ РАЗВЕДКИ».
16.55 «СВОЯ ИГРА».
17.50 «МАНГУСТ. ЧУЖАЯ ВОЙНА».
19.00 «СЕГОДНЯ».
19.40 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».
20.10 Фильм «МОЛЧАНИЕ ЯГНЯТ».
22.40 «ОРГАНИЗОВАННАЯ ПРЕСТУПНОСТЬ».
23.35 Фильм «НАШЕСТВИЕ ВАРВАРОВ».
1.35 Жюльетт Бинош в фильме «КОД НЕИЗВЕСТЕН».
3.30 ПРОФЕССИЯ — РЕПОРТЕР.
4.00 «СЕГОДНЯ».
4.10 Роберт Рэдфорд в фильме «ДЖЕРИМАЯ ДЖОНСОН».

**К СВЕДЕНИЮ АБОНЕНТОВ КАБЕЛЬНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ**

В сетке вещания российских ТВ-каналов возможны изменения. По вопросам несоответствия указанного в программах времени следует обращаться в соотвествующие службы кабельного и спутникового телевидения.



Ҳарбий техника шарҳи

## ХАЛҚАРО ДАСТУР АСОСИДА

NH-90 вертолёти халқаро дастур асосида Франция, Германия, Италия, Голландия ва Буюк Британия давлатлари иштирокида ишлаб чиқарилган. Биринчи синов учишлари 1995 йилда амалга оширилган, серияли ишлаб чиқаришни 1999 йилда бошлаш кўзда тутилган эди. Бироқ тахминан 300 та машинага буюртма берилган бўлса-да, тўлиқ маънодаги ишлаб чиқариш ҳозиргача ҳам йўлга қўйилмаган.

Вертолётнинг икки модификацияси ишлаб чиқилган: айланма кузатиш радиолокацион тизими (кабина остига жойлашган) ва кемаларга қарши курол билан жиҳозланган NFH-90 ҳамда TTH-90 (транспорт, қидирув-қутқарув, радиоэлектрон жанг ва йўловчи ташиш вариантларида) модификациялари.

NH-90 вертолётининг экипажи 2-3 кишидан иборат. Юк кабинаси барча нарсалар билан тўлиқ таъминланган 20 тагача десантчини жойлаштириш имконига эга (2500 кг фойдали юкланиш). Турли кучланиш қурилмаларини қўллаш мумкин, яъни: «Роллс-Ройс» фирмасида ишлаб чиқарилган иккита RRTM 322-01г9 (ҳар бирининг қуввати 1599 кВт) турбовал двигателлари ёки «Женерал электрик» компаниясининг иккита Т700 (қуввати 1789 кВт. дан) двигателлари. Асосий винтнинг диаметри 16,30 м, рул винти диаметри – 3,20 м. Вертолётнинг узунлиги – 19,38 м, баландлиги – 5,42 м, шасси изи – 3,20 м, шасси базаси – 6,18 м. Юксиз оғирлиги – 5700 кг, максимал кўтарилиш оғирлиги – 9100 кг, ёқилғи оғирлиги – 1900 кг. Энг юқори учиш тезлиги – 300 км – соат.



## НАМУНАВИЙ НУСХА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Америка Қўшма Штатлари Ҳарбий-денгиз кучларининг Илмий-текшириш бошқармаси АҚШ ва Австралиянинг кема қурувчи фирмалари билан Мобил шаҳри (АҚШ) кемасозлик верфида соҳил бўйи зоналарида ҳаракатланиш учун мўлжалланган, корпус формаси такомиллаштирилган катамаран типидаги юқори тезликка эга бўлган катернинг намунавий нусхасини яратиш ва қуриш борасида шартнома имзолади. Шартнома 4,5 миллион доллар миқдорида баҳоланмоқда. Пудратчилар таркибига Австралиянинг «Аустал» компаниясининг Мобил шаҳридаги филиали – «Аустал АҚШ» (корпус ишланишига жавобгар) ва АҚШнинг «Америкен марин холдингз» фирмаси (энергетик қурилма) киради. Катер корпусини алюминийдан тайёрлаш режалаштирилган. Катер конструкциясининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ҳаво ёстиғи бўлган катерлардаги сингари юбка бўлмайди (унинг ролини катер узунаси бўйлаб унинг таг қисмида жойлашган ҳаво ўтказгичлари бажаради).

Катернинг асосий тактик-техник тавсифлари: бўйи – 31,2 м, тезлиги – 87 тоннагача юк билан 56 узелгача ёки 137 тоннагача – 43 узел.

Намунавий нусха корпуси қурилишини 2005 йил бошида якунлаш режалаштирилган. Сўнгра 6-12 ой мобайнида катерга борт жиҳоз ва ускуналари ўрнатилади ва Ҳарбий-денгиз кучлари Илмий-текшириш бошқармасига намойиш этилади.



## ИККИ ДАҚИҚАДА ТАЙЁР

Ғилдиракли ўзиюрар 152 мм.ли «Дана» гаубицаси аввал собиқ Чехословакиянинг ZTS давлат корхонаси заводларида чиқарилар эди. Ҳозирги вақтда гаубицалар ишлаб чиқарувчи ZTS «Дубница» компанияси 2004 йилнинг март ойида НАТО таркибига кирган Словакия ҳудудида жойлашган бўлиб, янада замонавий 155 мм. ли «Зузана» гаубицаларини ишлаб чиқармоқда. Унинг арттилерия тизими юқори ўтиш қобилиятига эга бўлган «Татра» 815 VP 31 оғир автомобили (ғилдирак формуласи 8x8) шассисига ўрнатилган. Ўзиюрар гаубица корпусининг олд қисмида командир ва механик-ҳайдовчининг ўринлари жойлашган, ўрта қисмида махсус айланма платформага артиллерия қурилмаси ўрнатилган, қуйруқ қисмидан эса двигатель бўлмаси ўрин олган. 152 мм.ли тўп стволнинг орқага қайтишини тўхтатувчи гидравлик тормоз ва ўқлаш автомати билан жиҳозланган бўлиб, бу ҳар дақиқада 5 маротаба отиш (қўлда етказиб берилганда ҳар дақиқада 2 марта) ва ҳар қандай кўтарилиш бурчаги остида ҳам стволни ўқлаш имконини беради. Зарур вақтда унда алоҳида ўқлаш орқали отиш усули қўлланилади: аввал стволга снаряд юборилади, сўнгра эса – отиш заряди.

Гаубица марш вақтида тўхтатилгандан сўнг 2 дақиқадан кейин ўт очишга тўлиқ тайёр бўлади, сўнгги марта отганидан сўнг эса 1 дақиқадан кейин юришни бошлаши мумкин. Гаубицанинг тепа қисмига (томига) ҳаво нишонларига қарши жанг олиб бориш учун мўлжалланган 12,7 мм. ли пулемёт ўрнатилган.

Гаубицанинг асосий техник-тактик тавсифлари: максимал жанговар оғирлиги (60 та снарядли жанговар комплект билан) – 29,25 т, узунлиги – 11,15 м, эни – 3 м, баландлиги – 2,85 м, шоссе бўйлаб энг юқори тезлиги – 80 км – соат, бурилиш радиуси –12,8 м.

«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинди.

Хизмат жойим – сафарбарлик чақируви резерви

# ГАП МУДДАТДА ЭМАС – САБОҚДА



Ислоҳотлар самараси бўлган хизмат тури – сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни таъриф-тавсиф этишга бугун ҳожат йўқ. Мазкур хизматга олинаётган йигитлар ҳам, ота-оналари ҳам, кенг жамоатчилик ҳам у ҳақда тасаввурга, тушунчага эга. Қолаверса, фарзандлари ойлик йиғинни ўтаётган сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) батальонларига боришиб, шарт-шароитларни кўришмоқда. Яратилган, яратилаётган шароитлар, имкониятлардан ота-оналарнинг кўнгиллари тўлаётгани ҳақида кўп эшитганмиз, ёзганмиз. Бугун уларни бошқа масала қизиқтирмоқда. «Фарзандим бир ой давомида нимани ўрганади, ҳаёт мактабидан нималарни олади?», деган савол ўйлантираяпти. Тўғри, батальонлар ташкил этилиб, ойлик йиғин бошланганиданоқ СЧР хизматидаги фуқароларга, уларнинг қисқа муддат ичида билим, кўникмалар олишига ҳаракат қилинмоқда. Кейинги пайтда эса бу жараён янада такомиллашаяпти. Яқинда катта лейтенант Илҳом Маҳмудов вақтинча командирлик вазифасини бажараётган СЧР батальонида бўлиб, бу борадаги ишлар билан танишдим.

Батальонда ойлик йиғинни ўтаётган фуқаро Давлат Норматов Сирдарёнинг Янгиер шаҳридан. Ўрта махсус маълумотга эга. Тошкентда темирйўлчиларни тайёрлаш коллежини туғаллаган. «Мана йиғиннинг ярмидан кўпи ортда қолди. Бизга армия ҳақида, Қуролли Кучларимиз тарихи хусусида маълумотлар беришди. Жамоат ташкилотларидан келган мутахассислар, миллий истиқлол ғояси, юртимизда бўлаётган туб ўзгаришлар хусусида маърузалар ўқишмоқда. Нафақат ҳарбий техника, қурол-аслаҳалар ҳақида, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётимиз борасида ҳам кенг тушунчаларга эга бўлдим. Бўш вақтларимизда спорт мусобақалари ўтказилади. Мен стол теннисига ишқибозман. Беллашувларда кўпчилик сафдошларимни доғда қолдирдим». Кўриниб турибдики, фуқаро қисқа вақт ичида кўп сабоқлар олиб улгурибди.

Самарқанддаги сержантлар тайёрлаш мактабини 2002 йилда туғаллаган шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Бобур Зоировни батальон взводига старшиналикка тайинлаб янглишишмади. Профессионал посбон талабчан, изланувчан ҳарбийлардан. СЧР батальонида тезда ўз ўрнини топиб олди. У қўл остидагиларга ҳарбий либосни кийиш тартибини, ётоқхонада чойшаб, кўрпаларни қандай ораста қилишни дастлабки кунларданоқ пухта ўргатади. «Ҳарбий либосга оқ ёқа тикишни тезда ўзлаштириб олдик. Бунда старшинамизнинг хизматлари катта», дейди фуқаро Хуршид Қаршибоев. Унинг фикрларини сафдош дўстлари – Нуриддин Эшонқулов, Зафар Шерназаровлар ҳам маъқуллашди. Ҳа, уларнинг ҳарбий соҳадаги илк кўникмаларида Бобур сингари кичик командирларнинг ўрни беқиёс бўлаётир.

Катта лейтенант Илҳом Маҳмудов қўл остидаги офицер, сержантлар билан пухта ишлайди. Ҳар куни улардан СЧРдаги фуқаролар билан қандай машғулот ўтганини сўрайди. Эртанги кунги режалари борасида қизиқади. Айниқса, взвод командири лейтенант Исомиддин Ўлжабоев, гуруҳ командирлари лейтенантлар – Хуршид Ходиев, Бекмурод Каримовлар хизматидан кўнгли тўқ.



Ойлик йиғин иштирокчиларига яратилаётган шароитлар билан танишаётганимизда фуқаро Ойбек Холдаров қўлимга бир мактуб тутқазди. «Камчиликлари бўлса узр, лекин чин юракдан ёзганман», деди камтарлик билан. Келинг, яхшиси шеърий мисралар билан бошланган мактубдан – сафдошларига қаратилган даъватидан айрим сатрларни ўқийлик: «...Йиғинга келиб сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг муддатли ҳарбий хизматдан қолишмаслигини англаб етдим. Жанговар тайёргарликдан, қурол-аслаҳа, ҳарбий техникаларни ўрганишдан ташқари маънавий билимлар билан дунёқарашимиз кенгаймоқда. Шароитлар кутганимиздагидан ҳам зиёда. Оила аъзоларим, ўзим мазкур хизмат турига олинганимдан хурсандман. Мен чақирув ёшидаги йигитларга «ушбу хизматнинг ҳам имкониятлари катта, унга олинсангиз афсусланмайсиз», деган бўлардим...».



Йиғиндан қайтган фарзандингизга, дўстингизга, акангиз ёки укангизга эътибор беринг. У билан суҳбатлашиб кўринг, ҳаракатларига назар ташланг. Янада ўктамлашган, чиниққан гавдасига қаранг. Шунда ҳаёт мактабида, йигитлик мактабида бир ойлик муддатни беҳуда ўтказмаганига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

**Майор Алижон САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**А. МРУЧАК олган суратлар.**

# ОҚ ЙЎЛ СЕНГА, ДЎСТИМ!



Лазизжон Раҳматов Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида таҳсил олади. У Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидан. Лазизжон билим юртига ўқишга кирганида унинг ота-онаси Тоғаймурод ва Сайёра Раҳматовлар ниҳоятда қувонган эдилар. Айниқса, бутун маҳаллада Лазизжон ҳақида гап бўлиб, унга барча ҳавас қилган.

Лазизжонни ўзи сабоқ олган мактабда ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. Таътилга келганида албатта, болалар ва мураббийлар билан учрашувга таклиф қилишади. У оддий, камтар йигит. Билим юрти, у ердаги устозлари, дўстлари ҳақида гапирганда ҳамма уни эътибор билан тинглайди.

Бўлғуси офицер йигит менинг болалик дўстим. Кўплаб қишлоқ йигитлари каби суяги меҳнатда қотган. Қийинчиликлардан чўчимайдиган, дадил, қатъиятли йигит. Қишлоқда катталардан тортиб энг кичкина болаларнинг ҳам ўзлари қилишлари лозим бўлган юмушлари бўлади. Кўпчилик ўғил-қизлар мана шундай юмушлардан ортиб, мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқийдилар. Лазизжон ҳам мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги энг нуфузли олий ҳарбий даргоҳда таҳсил олиши биз каби дўстларини қувонтиради. Худди у каби олий даргоҳда таҳсил олишни истовчилар сони маҳаллада кўпчиликни ташкил қилади. Бу борада Лазизжон уларга ҳам намуна, ҳам яқин маслаҳатчи.

Курсант йигит бу йил билим юртини тамомлаб, Қуролли Кучлар сафида офицер сифатида илк фаолиятини бошлайди. У билим юртида аъло ва яхши баҳоларга ўқиганлиги сабабли масъулиятли, шарафли хизматнинг қийинчиликларини бемалол енга олади деб ишонамиз Мен дўстим Лазизжонга бу борада ҳамиша муваффақиятлар тилаб қоламан. У ҳалол ва фидокорона хизматлари билан нафақат жамоасининг, балки, туғилиб ўсган оиласи, маҳаллакўй ва мактабининг ҳам фахри-ғурурига айланади.

**Сайёра НОРҚУЛОВА,**
**Самарқанд вилояти.**

«Ватанпарвар»га жавоб йўллаб

# ИМТИЁЗ ВА... ИМКОНИЯТ

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятига Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Охунбобоев номли ширкат хўжалигида яшовчи катта лейтенант Муҳаммадшариф Абдуллаевдан мактуб келганди. Унда муаллиф уй-жой қуриш учун ер участкаси олиш мақсадида туман, вилоят ҳокимликларига мурожаат қилгани, аммо бу саъй-ҳаракатлар эътиборсиз қолиб кетгани ҳақида баён этганди. Жорий йилнинг 19 январида газета таҳририятидан вилоят ҳокимлигига ушбу шикоят юзасидан хат жўнатилди. Мазкур хатга яқинда Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиевдан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилган: «...Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 февралдаги 62-16 сонли қарорида ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хизматчиларига доимий яшаш жойларидан томорқа ер майдонлари беришда навбатсиз, яъни навбатга қўйилмасдан томорқа бериш тўғрисида имтиёз яратилган. Аммо Сариосиё туманида 1999 йилдан буён томорқа учун ер майдони ажратилмаган. Қачонки, туманда томорқа учун ер майдони ажратилиб, фуқароларга берилган вақтда фуқаро М.Абдуллаевга мазкур имтиёз асосида томорқа ер майдони ажратилади».

**ТАҲРИРИЯТ.**

# ҲУНАРЛИНИНГ ЙЎЛИ ҲАМ УНАР

Йигит кишига етмиш ҳунар оз, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, чуқур мушоҳада юритадиган бўлсак, бу гапда теран ҳақиқат мавжудлигига амин бўламиз. Чунки кўп нарса билиш ҳаётда роса асқотади.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Шаҳриддин Абдулҳамидов ҳақиқий профессионал деган номга сазовор бўлиш учун астойдил олға интилаётган шижоатли посбонлардан. Вазифаси – механик-ҳайдовчи.

Посбон қизиқувчан, шу билан бирга тинимсиз ўз устида ишлайдиганлар сирасидан. Ўрта мактабни тугатгач, маълум вақтдан кейин муддатли ҳарбий хизматга чақирилди. Юрт ишига яроқли топилганидан қувонган ўғлон зўр иштиёқ билан армия сафига отланди.

–Муддатли ҳарбий хизматни Шарқий ҳарбий округда ўтадим, – дейди бу ҳақда унинг ўзи. — Хизмат менга жуда кўп нарсани ўргатди. Ҳаётий тажрибам кўп жиҳатдан бойиди. Доимий жисмоний ва жанговар шайлик, ҳарбий билимлар, техника, қурол-яроғ сирлари билан бирга сартарошлик, турли таомлар тайёрлаш каби ишларга ҳам қўлим келишиб қолди. Хизматгача қурилиш, соҳибкорлик, пардозлаш, баъзи буюмларни тузатиш, электр ускуналаридан тўғри фойдаланиш кабиларни ўрганган бўлсам, армияда бу билимларим янада бойиди. Айримлари сайқал топди. Хуллас, хизмат даврим умрим саҳифасида муҳим ўрин тутган олтин даврга айланди. Чунки жуда кўп жанговар дўстлар орттирдим. Фикри, ёши, дунёқараши жиҳатдан орада катта фарқ бўлмаган сафдошларим билан қайноқ жанговар муҳитда тобландик. Энг асосийси, мақсад сари қатъият билан борадиган бўлдим.

Кичик сержант шу тариқа ўқиш, изланиш ва ўрганишдан тўхтамади. Муддатли хизматдан кейин эса шифокорлик соҳасига ишқи тушиб, тиббиёт коллежига ҳужжатларини топширди. Имтиҳонларга сабот билан тайёрланди. Қаранг, омади бор экан – у талаба деган номга муносиб топилди.

–Ўқиш даврида ҳам аҳамиятли, мароқли воқеалар кўп бўлди, – дейди Шаҳриддин. – Кўпгина устозлар орттирдим. Тиббиёт коллежини тугатгандан сўнг қалбимга қулоқ тутсам, кўпроқ ҳарбий соҳага иштиёқим юксаклигини ҳис этдим. Қолаверса, эгаллаган соҳаларим билан ҳарбий хизматда ҳам кўпчиликка фойдам тегиши мумкинлигини ўйладим. Гарчи ҳозир жанговар техникалар билан тиллашаётган бўлсамда, шифокорликни унутиб қўйганим йўқ. Келажакда ҳар иккала соҳада муваффақият қозонишни кўзлаб олға интиляпман. Ўйлайманки, мақсад сари қатъий интилсам, албатта эришаман.

Посбон билан турли мавзуларда анча суҳбатлашдик. Унинг фикри теранлиги, дунёвий билимларга бефарқ эмаслиги, кўп китоб ўқиши, кураш, футбол каби спорт турлари билан ҳам мунтазам шуғулланиши эътиборимни тортди. Чин маънода аскарларнинг устози бўлишга эришиш учун тинимсиз ўз устида ишлайдиган бундай ўғлонлар билан ҳақли равишда фахрланса арзийди, деган фикрлар ўтди хаёлимдан. Хайрлашар эканман, унинг кўзлаган мақсадларига албатта эришишига тилак билдирдим.

**Лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ЁШЛАР ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Тошкент архитектура ва қурилиш институтида «Биз терроризмга қаршимиз!» мавзуида ёш рассомлар асарлари кўргазмаси очилди. Унда етмиш нафардан зиёд талабанинг ижод намуналари намойиш этиляпти.

Кўргазма очилишида дунёнинг турли жойларида ўзининг жирканч қиёфасини намоён этаётган террорчилик, шунингдек, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик сингари салбий иллатлар инсоният бошига оғир кулфат келтираётгани таъкидланди.

Кўргазмадан ўрин олган расмларда жаҳолат ва ёвузликка нафрат, эзгулик ва ҳаётга муҳаббат ғоялари акс эттирилган. Уларда террор туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган болалар мисолида, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик оқибатида келиб чиқадиган фожиаларни тасвирлаш орқали ёшлар турли салбий оқимлар таъсирига берилиб кетмаслик, огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этилади.

**Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

## Ҳарбийларнинг спортга эътибори

# ШАҲАРЧА БУНЁД ЭТИШАЯПТИ

Шанба. Маълумки, шанбада қисм ва бўлинмаларда парк хўжалик куни ўтказилади. Қисм бўйича навбатчидан командирни сўрадим. «Капитан Кенжаев спорт шаҳарчаси қурилишида», дея навбатчи менга йўл кўрсатди. Қурилиш бўлаётган майдонча сари борар эканман, у ерда ўзига хос бир ҳашар бўлаётганини илғаб олдим. Аскар, сержант, офицерларнинг деярли бари шу ерда. «Мен командир – сен бўйсунувчи» деган муносабат йўқ. Яъни, офицер ҳам, сержанту аскар ҳам бирдек тер тўкиб ишлашмоқда. «Ҳорманг, ҳашарга қараганда режалар каттага ўхшайди», дейман командирга. Бунга жавобан капитан Анвар Кенжаев қуйидагиларни сўзлаб берди:

–Спорт шаҳарчасини қуриш режамизда бор эди. Биласиз, ҳарбий қисм ташкил топганига кўп бўлгани йўқ. Аста-секин қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Яқинда спорт шаҳарчасини қуриш учун зарур воситаларни олдик. Шунинг учун қўл қовуштириб ўтирмасдан ишни бошлаб юбордик. Бу шаҳарчада турник, брус, мини футбол, баскетбол, гандбол майдончалари бўлади. Барини талабларга хос ва мос қиламиз. Спорт шаҳарчаси атрофларини ободонлаштириш мақсадида арча кўчатларини олиб келдик. Чим экишни режалаштирганмиз. Маълумки, кейинги пайтда жисмоний тарбия ва спортга эътибор янада ортмоқда. Жамоамизга яқинда замонавий спорт тренажёрлари олиб келиб ўрнатилди. Жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосарим капитан Шерзод Сафаров спорт ишлари бўйича ҳам масъул. Унинг раҳбарлигида посбонларимиз тренажёрлардан фойдаланишмоқда. Спорт шаҳарчамиз обод бўлганида яна бир келинг. Ишимизга, хизматларимизга ўзингиз баҳо берасиз.

Командирнинг гапларига капитан Ш.Сафаров қуйидагиларни қўшимча қилди: «Тренажёрлар билан таъминланганимиз посбонларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни янада оширди. Режа асосида спорт залида ҳар куни посбонларимиз шуғулланишаяпти. Кимдир тренажёрдаги тошларни кўтариб, билагига куч йиғади, кимдир оёқ ҳаракати учун мўлжалланган машқларни бажаради. Жисмонан баркамол бўлишса, жанговар шайликлари ҳам ортади».

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш борасида йўл-йўриқлар берилган. Тилга олинган ҳарбий жамоада амалга оширилаётган бундайин ишлар замирида ҳам давлат дастури ижроси йўлида қўйилаётган қадамларни ҳис қилдик.

**Майор Алижон САФАРОВ.**

**Редакции газеты «Ватанпарвар» срочно требуется профессиональный фотокорреспондент. Предпочтительно наличие своей цифровой фотоаппаратуры. Справки по телефону: 56-04-60.**

# КРОССВОРД



**По горизонтали:** 1. Лесная певчая птица с красноватыми боками. 4. Стеганая ватная куртка. 7. Ее просят не сыпать на рану. 8. Кратковременное пребывание военнообязанных в распоряжении военного ведомства для обучения. 9. Воинское звание. 13. Углеводород. 16. Военное приветствие выстрелами. 17. Окружение войск противника с целью уничтожения. 18. Секрет, который хранится особо. 19. Французский писатель-сказочник. 21. Судоходство между портами одного государства (спец.). 22. Ткань-подкладка, утеплитель одежды. 23. Диапозитив. 28. Военный самолет. 30. И баскетбол, и регби. 31. Усохшее море в Азии. 32. Трубка для пули. 33. Естественный водоем, низвергающийся уступами.

**По вертикали:** 1. Войска, составляющие прикрытие. 2. Цифровая отметка успехов в спорте. 3. Детский головной убор. 4. Официальное посещение. 5. Место работы летчика. 6. Старинное трехмачтовое военное судно. 10. Разновидность агата. 11. Наука о ведении войны. 12.Овощ. 14. Полевое укрытие от снарядов. 15. Получатель письма, телеграммы. 20. Решение, принятое голосованием. 22. Древнескандинавский воин. 24. Устное или письменное сообщение командиру. 25. Стремительное нападение войск. 26. Привал войск вне населенного пункта. 27. Хищная птица. 29. Оросительный канал в Средней Азии.

**Составила З.ИСАКОВА**

### ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 15

**По горизонтали:**. 5. Дружина. 6. Гашетка. 9. Комендатура. 11. Халва. 12. Мечта. 13. Устав. 16. Фланг. 17. Гондола. 19. Граната. 20. Алиби. 24. Палаш. 25. Сапог. 26. Снедь. 29. Джентльмены. 30. Дивизия. 31. Воронка.

**По вертикали:** 1. Арсенал. 2. Знамя. 3. Галун. 4. Акробат. 7. Юнкер. 8. Бастион. 9. Кавалергард. 10. Аксельбанты. 14. Ананд. 15. Удаль. 18. Страсть. 21. Баталия. 22. Кольт. 23. Адъюнкт. 27. Шериф. 28. Чехол.

### ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 18

**По горизонтали:** 7. Траншея. 8. Номинал. 11. Такелаж. 13. Леденцы. 14. Таран. 17.Катер. 21. Штурман. 22. Теплота. 25. Бортник. 26. Водолей.

**По вертикали:** 1. Приклад. 3. Деканат. 4. Гобелен. 6. Карлица. 12.Жакан. 13. Лафет. 15. Стрелок. 17. Казакин. 18. Реактор. 20. Стартер.

**По дугам по часовой стрелке:** 2. Дневка. 10. Рейдер. 23. Верста. 24. Окорок.

**По дугам против часовой стрелки:** 5. Шинель. 9. Маузер. 16. Приказ. 19. Плевра.

## Телеанонс

# «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

27 февраль соат 10.00 да «Ўзбекистон» телевидениесининг биринчи дастури орқали Мудофаа вазирлиги ҳарбий студияси томонидан тайёрланган «Ватанимга хизмат қиламан» кўрсатувининг навбатдаги сони эфирга чиқади.

Кўрсатувнинг биринчи бўлимида қишқи ўқув мавсумига бағишланган лавҳалар намойиш этилади, шунингдек ҳарбий олий билим юртлари қабул тартиби бўйича маълумотлар берилади.

Кўрсатувнинг иккинчи бўлимида «Ҳарбий почта» рукн остида табриклар ва посбонлар талабларига биноан концерт намойиш этилади.

Кўрсатувнинг такрорий намойиши сешанба , 1 март соат 16.00 да эфирга узатилади.

Ўз мухбиримиз.

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

### ОВЕН

**Общительность и яркое обаяние помогут наладить необходимые контакты, найти новые деловые связи. Не все идеи встретят понимание.В целом будет ожидать успех. Берегите добрые отношения со старыми друзьями. Не гонитесь за миражами.Меньше тратьтесь на развлечения.**

### ТЕЛЕЦ

**Спешите завершить намеченные дела. Сохраняйте спокойствие за рулем и во время переговоров. Не стоит быть излишне доверчивыми. Выдержка и хладнокровие позволят избежать конфликтных ситуаций. Пойдите на разумный компромисс с коллегами по работе.**

### БЛИЗНЕЦЫ

**Есть шанс раскрыть свой творческий потенциал. Найдете потерявшиеся справки или иные документы. Искусные уговоры знакомых радости не принесут. Будете полны сил и энергии. Уделяйте больше внимания близким, дома найдете куда больше интересного, чем за его стенами.**

### РАК

**Появится возможность карьерного роста, не отказывайтесь от совместной работы с коллегами. Любая мелочь сможет вывести из равновесия. Постарайтесь не растекаться мыслью по древу - все должно быть четко. Возможно временное перемирие, хотя вскоре снова закипят страсти.**

### ЛЕВ

**Стоит потратить немного времени, чтобы правильно сориентироваться в ситуации. Взвешивайте каждое слово, не давайте неисполнимых обещаний начальству и коллегам. Корректность и такт избавят от ненужных разборок в коллективе и сохранят душевный покой. Дела решатся легко.**

### ДЕВА

**Появится возможность повысить самооценку, многие отметят ваши деловые качества. Доверьтесь инстинкту самосохранения и интуиции. Придется поступиться некоторыми принципами, подумайте, готовы ли вы к этому? Наступает благоприятное время для повышения профессионализма.**

### ВЕСЫ

**Будете полны энергии и готовы к новым приключениям. Действия только по собственному желанию приведут к серьезному конфликту. Будьте осторожнее в высказываниях. Ведите переговоры и заключайте сделки. Проявляйте инициативу, прилагайте усилия в любых направлениях.**

### СКОРПИОН

**Придется разбираться с неотложными делами. Не планируйте серьезные деловые встречи. Решение спорного вопроса отложите. Не полагайтесь на советы друзей. Во время деловых переговоров покажите партнерам новый подход к делам, и ваши отношения стабилизируются.**

### СТРЕЛЕЦ

**Сможете освоить что-то новое и полезное для себя, повысить уровень профессиональных знаний. Будьте внимательны, подписывая бумаги. Прислушивайтесь к поступающей информации повнимательней. Понадобятся новые впечатления. Не бойтесь спорить с близкими людьми.**

### КОЗЕРОГ

**Будет успешной работа над собой. Появится возможность продемонстрировать свои таланты. Многие дела будут удаваться просто по инерции. Начальство может потребовать подробный отчет о проделанном. Время принесет желаемое спокойствие и стабильность.**

### ВОДОЛЕЙ

**Займитесь своей внешностью. Появится масса желающих стать другом. Будьте приветливы. Напор и энергия принесут результат. Можете принять недостаточно продуманное решение. Подозрительность будет вполне уместна. Воплотите в жизнь даже самые дерзкие идеи.**

### РЫБЫ

**Поразит обилие новых мыслей, идей и планов. Немалую роль сыграют друзья. Включите интуицию и здравомыслие, чтобы не попасть в неприятности. Смело двигайтесь вперед, может быть, удастся одним рывком преодолеть многие препятствия, стоящие на пути.**

**Вақтинча бош муҳаррир вазифасини бажарувчи подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.**

**Телефонлар:**
Бош муҳаррир ўринбосари – 56 17 98; масъул котиб – 56 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 56 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 56 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 56 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 56 03 48; социология ва реклама бўлими – 56 54 76.

Обуна бўлими – 56 03 46. Навбатчи – 56 09 81.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

**Буюртма** № 53 Р. **Адади** 23.450

Таҳририят манзили:
700031, Тошкент шаҳри, Д.Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета «Ватанпарвар» таҳририятининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«RASTR» ҚК босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:
Тошкент ш., Юнусобод, Муродов кўчаси, 1-а.